

Имомлари иттифок қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифок қилган ҳадислар / 169-ҳадис

169 - عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: كُنْتُ أَصُومُ الدَّهْرَ وَأَفْرَأً الْقُرْآنَ كُلَّ لَيْلَةٍ، قَالَ: فَإِمَّا دُكِرْتُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَإِمَّا أَرْسَلَ إِلَيَّ فَأَتَيْتُهُ، فَقَالَ لِي: «أَمْ أُخْبِرُ أَنَّكَ تَصُومُ الدَّهْرَ وَتَفْرَأُ الْقُرْآنَ كُلَّ لَيْلَةٍ؟» قَفَلْتُ: بَلَى، يَا نَبِيَّ اللَّهِ، وَلَمْ أُرِدْ بِذَلِكَ إِلَّا الْحَيْرَ، قَالَ: «فَإِنَّ بِحَسِيبِكَ أَنْ تَصُومَ مِنْ كُلِّ شَهْرٍ ثَلَاثَةً أَيَّامٍ»، قَفَلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَإِنَّ لِزُوْجِكَ عَلَيْكَ حَفَّاً، وَلِزُورِكَ عَلَيْكَ حَفَّاً، وَلِحَسَدِكَ عَلَيْكَ حَفَّاً»، قَالَ: «فَصُنْمُ صَوْمَ دَاؤُدَ نَبِيَّ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ -، فَإِنَّهُ كَانَ أَعْبَدَ النَّاسِ»، قَالَ: قَلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، وَمَا صَوْمُ دَاؤُدَ نَبِيَّ اللَّهِ يَصُومُ يَوْمًا وَيُفْطِرُ يَوْمًا»، قَالَ: «وَاقْرَأُ الْقُرْآنَ فِي كُلِّ شَهْرٍ»، قَالَ: قَلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي كُلِّ عِشْرِينَ»، قَالَ: قَلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي كُلِّ عَشْرٍ»، قَالَ: قَلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي كُلِّ سَبْعٍ، وَلَا تَزِدْ عَلَى ذَلِكَ، فَإِنَّ لِزُوْجِكَ عَلَيْكَ حَفَّاً، وَلِزُورِكَ عَلَيْكَ حَفَّاً، وَلِحَسَدِكَ عَلَيْكَ حَفَّاً»، قَالَ: فَشَدَّدْتُ، فَشُدِّدَ عَلَيَّ. قَالَ: وَقَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّكَ لَا تَدْرِي لَعَلَّكَ يَطُولُ بِكَ عُمُرُ». قَالَ: فَصِرْتُ إِلَى الَّذِي قَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمَّا كَبِرْتُ وَدِدْتُ أَنِّي كُنْتُ قَيْلُتُ رُحْصَةَ نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

[خ 1131، م 1159، ت 1331، س 1388، د 1630، جه 770]

1. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«Мен йил бўйи рўза тутиб, ҳар кеча Қуръонни ўқиб чиқар эдим. Ё мени

Набий соллаллоху алайҳи васалламга айтишибди, ёки ўзлари менга одам юбордилар, хуллас у зотнинг хузурларига бордим. У зот менга шундай дедилар: «**Менга хабар қилинишича, сен йил бўйи рўза тутиб, ҳар кеча Қуръонни ўқиб чиқар эмишсан?**». Мен: «Шундай, эй Аллоҳнинг Набийси! Лекин буни фақат яхши ният билан қилдим», дедим. У зот: «**Ҳар ойда уч кун рўза тутсанг ҳам етарди**», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. У зот: «**Ахир хотинингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, зиёратчингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, жисмингнинг ҳам сенда ҳаққи бор. Сен Аллоҳнинг Набийси Довуднинг - соллаллоху алайҳи васаллам - рўзасини тут, чунки у одамларнинг энг обиди эди**», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Довуднинг рўзаси қандай эди?» дедим. У зот: «**У бир кун рўза тутиб, бир кун оғиз очиқ бўлар эди**», дедилар. У зот: «**Қуръонни ҳар ойда бир ўқиб чиқ**», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. У зот: «**Унда ҳар йигирма кунда ўқиб чиқ**», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. «**Унда ҳар ўн кунда ўқиб чиқ**», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. У зот: «**Унда уни ҳар етти кунда ўқиб чиқ, лекин бундан зиёда қилма, чунки хотинингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, зиёратчингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, жисмингнинг ҳам сенда ҳаққи бор**», дедилар». Абдуллоҳ: «Мен қаттиқ туриб олган эдим, менга яна ҳам қаттиқлаштирилди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам эҳтимол умринг узок бўлишини билмассан, дедилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам менга айтган нарсалари бўлди. Ёшим улғайгач, қани эди Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг рухсатларини қабул қилсам экан, деб орзу қилдим», дедилар.

Ином Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz

